



Фаластинликлар хакикатдан ҳам ўз ерларини сотишдими? Исроил давлати кандай курилган? Куйида Исроилнинг курилишида дунё учун ўйналган спектаклни баён киламиз. Сионизмнинг асосида ваъда килинган ерлар акидаси ётади. Яхудийлар жанубда Кизилденгизгача, шимолда Фиротгача, гарбда Ўртаер денгизгача, шарқда Ўлик денгизгача бўлган худуд орасини уларга Тангри тарафидан абадий берилганлигига ишонишади. Европада босим остида тутилган яхудийлар ўзларини ваъда килинган юртларга олиб борадиган одамни излашарди.

Сиёсий сионизмнинг курувчиси бўлган Теодор Герцль худди шу вақтларда майдонга чиқди. Рухий тушкунликда яшаган даврда “Der Judenstaat” номли асарида “Агар ишонсанг, бу эртас эмас” деб тавсифлаган яхудий давлатини куришни яхудийлар ҳаётидаги ҳал қилиниши зарур бўлган ягона мақсад эканлигини таъкидлайди. Мана шу тариқа Герцль ўзларини ваъда килинган ерларга олиб боровчи режаларини туза бошлайди.

1897 йил 29-31 август санасида Швейцариянинг Базель шаҳрида Биринчи Дунё сионист конгрессини ташкил қилишга муваффақ бўлади. Герцль муваффақият билан якунланган конгрессида берган ишончи билан ёдимизга қуйидаги эсдалик ёзувини туширади: (1897 йил 3 сентябрь) “Бугун Базелда яхудий давлатини курдим. Агар буни бугун очик айтадиган бўлсам, ҳамма устимдан қулади. Холбуки, эллик йилдан кейин барча ушбу хакикатни кўради”.

Қундалигига ушбу гапларни ёзганида 1897 йил эди, Исроил давлати эса 1948 йил курилди. Мақсадига етиш учун Герцль ташвиқот ишларини бошлайди. “Die Welt” номли газета ташкил қилади. Герцль халифа Абдулхамид хон II-чидан фаластин худудларидан бир қишлоқдай ер сўраб, эвазига жуда катта нарсани таклиф қилади. У пайтларда иқтисодий тарафдан анча ночор ҳолатда бўлган Усмонли империяси учун моддий ёрдам беришларини ваъда қилади. Европада арманларни қоралашларини айтади. Фаластинда куриладиган яхудий давлати эвазига Абдулхамид хонга Усмоний давлатининг бутун ташқи қарзларини ўз зиммаларига олишларини таклиф қилади. Бу таклифлар қийин аҳволда бўлган Усмонли императорлиги учун аслида айни муддао таклифлар эди. Герцль 5 март Абдулхамид хон II-чининг ҳузурига келганди. Абдулхамид хон билан кўришиш учун, Фаластиндан бир қарич ер олиш эвазига яна анча жозибали таклифлар қилади. Усмонли султони буларнинг ҳеч бирини қабул қилмади. Усмонлидан умидини узган сиёсий сионизмнинг курувчиси Герцль энди бошқа эшикларга бош ура бошлайди. Тарих бўйича яхудийларни аёвсиз қатл қилиб келган немислардан дастлабки дастакни

олади. Иккинчи дастакни эса Россиядан олади. Бу кўллаб-кувватлашлар хакикатдан жуда зид эмасми? Йиллар давомида яхудийларни ёқтирмай эзиб келган бу 2 давлат нима учун бирданига муштарак ёвларига дастак чикиб қолишди?

Усмонли империясига нисбатан “хаста одам” муомаласида бўлган катта давлатлар учун Ўрта Шарқда куриладиган янги яхудий давлати жуда кўл келарди. II-чи Абдулхамид хон исроилликларнинг дунёни алгов-далгов қилишларини, мусулмонларга зарар беришларини 37 йил аввал кўрганди. Хар келганида бошни айланттирувчи ҳам-да тентакона таклифлар кўтариб келган Герцлни эшикдан хайдаган эди. Шу даврда Усмонли империяси бу таклифларга жуда эҳтиёжи катта эди, лекин халифа келажакни кўра олгани учун уларнинг ҳеч бирини қабул қилмаганди.

Яхудийлар ноқонуний йўл билан Фаластинга кўчиб кела бошладилар.

Фаластинликлар хакикатан яхудийларга ерларини сотишдими?

Яхудийлар канча йиллардан бери ета олмаган юртларга қонунан 1947 йил 19 ноябрда етишди. 1947 йил Қудус БМТ тарафидан халқаро ҳудуд деб эълон қилинади. Исроил мустақиллигини эълон қилган 1948 йилда 2 миллион 65 минг бўлган умумий Фаластин аҳолисининг 650 мингги яхудий эди, ҳолос. Фаластинликлар кўпчилиқни ташқил қилишарди. БМТ буларни “кўрмади” ёки кўриб турса ҳам бугунги кундагидек “огзига талқон тикиб” ўтирди.

Энди ҳозир ҳамманинг огзида юрган “Араблар ерларини ўзлари сотишган, Исроил мана шу тарзда курилди” сўзига келайлик. Исроилликлар мустақил бўлган даврда уларга қарашли бўлган ҳудуд Фаластин ҳудудининг атиги 6%ини ташқил қиларди. Аслида яхудийлар ер майдони сотиб олиб, давлат қурмадилар. Сиёсий сионизмнинг қурувчиси бўлган Герцль бу ишни бошлаётганида айтганидек, Исроил давлати ташвиқот ва дипломатия билан курилди. Ташвиқотни жуда яхши татбиқ қилишди. Қилган зулмларини дунёга кўрсатмадилар ёки дунёнинг ўзи кўришни хохламади. Аксинча ўзларига зулм қилинаётганини ошириб-тошириб дунёга жар солишди ва ёш бола, аёл, қари демасдан фаластинликларни қатл қилишди.

Қундан-қунга қуч тўплаган яхудийлар қонли юришларини қун сайин орттириб давом эттишди. 1987 йили Фаластин аҳолиси қонли юришлардан беғиб, тош қилангина қурулганиб қунга чек қўйишга уринди. Фаластиндаги норозилик намойишлари Газо ва Йордан дарёсининг қарбий соҳилларига ёйилди.

Номига “Байрут жаллоди” деган таҳаллус ёпиштирилган Ариэль Шарон Масжиди Аксога қилган игвогарона зиёратидан сўнг Фаластинда норозиликнинг иккинчи тўлкини бошланди. Фаластин ахборот вазирлиги берган маълумотга кўра, 2000 йилдан бери Исроил 1456 ёш болани ўлдирди ва 5000 га яқинини жароҳатлади. Ҳозиргача 215 нафар ёш бола Исроил қамқоналарида қибсда тутилмоқда.

[Манба](#)